

Олтидан қиммат дуо



16:35 / 03 август 1191

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳуга дедилар: «Агар одамларни тилла ва кумушларни хазина қилиб жамлаётганларини кўрсанг, сен ушбу калималарни жамлаб (ёдлаб) олгин:

1. «Аллоҳумма инний ас'алука сабаата фил амри,
2. Вал ъазиймата ғала рушди,
3. Ва ас'алука шукро ниъматика,
4. Ва ҳусна ғибаадатика,
5. Ва ас'алука лисаанан соодиқон,
6. Ва қолбан салиман.
7. Ва ас'алука мин хойри маа таъламу,
8. Ва аъузу бика мин шарри маа таъламу.
9. Ва астағфирука лимаа таъламу, иннака анта ғаллаамул ғуйууби».

Имом Аҳмад ривояти.

Маъноси: Аллоҳим, албатта мен Сендан ишда сабот, рушди ҳидоятда азиймат, ният сўрайман. Ва неъматингга шукр, гўзал ибодатингни

сўрайман. Содиқ тил ва салим қалб сўрайман. Сен хайрли деб билганни сўрайман. Сен ёмонлик деб билгандан паноҳ тилайман. Ўша ёмонлик деб билганинг нарсага истиффор сўрайман, албатта Сен ғайбларни билгувчи Зотсан!

Изоҳ: «Сабот» сўзининг маъноси Аллоҳ аzza ва жалланинг дини ва Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатини то вафот этгунча ушлашдир.